
**Сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш
фаолиятини йўлга қўйиш бўйича**

БИЗНЕС РЕЖА

ЛОЙИХАНИНИНГ УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 75 000 000 СЎМ
ГРАНТ ХИСОБИДАН ТЕХНОЛОГИЯ УЧУН 23 021 100 СЎМ (15 000 \$)
КООПЕРАТИВ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН МУЛК ШАКЛИДА 41 978 900 СЎМ
КООПЕРАТИВ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ҚЎШИМЧА 10 000 000 СЎМ

2020 йил

1.ЛОЙИҲАНИ ТАҚДИМ ЭТУВЧИ ХАҚИДА МАЪЛУМОТ

1.1.Номи:

Тўлиқ номи: «_____»*кооперативи*

(қуйида «кооператив» деб юритилади)

Лотин ёзувида: «_____» *kooperativi*

Ўзбек тилида: _____ *кооперативи*

1.2. Кооперативнинг юридик манзили:

Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти тумани

_____ *махалласи*

1.3.Ташкил этилган сана:



1.4. Мулкчилик шакли:

Жамоа кооперативи.

1.5. Асосий фаолият йўналиши:

Сутни қайта ишлаш орқали тайёр сут махсулотлари ишлаб чиқариш;

1.6. Банк маълумотлари:

Х/р: _____; МФО _____;

_____ *бўлими; ИНН _____*

ЛОЙИХАНИНГ МАҚСАДИ

Сутни қайта ишлаб чиқариш эвазига аҳолини турли хилдаги сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва даромад олиш

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг асосий харакатлантирувчи кучи бўлиб кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ҳисобланади.

Бизнинг иқтисодиётимиз ҳам илдам кадамлар билан бозор муносабатлари шароитида иш юритишга ўтиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг кичик бизнесни ривожлантириш, аҳолини турмуш даражасини кўтариш ҳамда замонавий технологиялар асосида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва кўшимча иш ўринлари яратиш борасидаги қабул қилинаётган бир қатор қарор ва фармонлари, хорижий давлатларнинг имтиёзли кредит линиялари ҳамда ажратилаётган бир қатор маҳаллий ва хорижий грантлар ҳисобига кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида жуда катта ривожланишлар бўлмоқда.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари кўплаб йўналишларда мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар.

Жумладан туманида ҳам бугунги кунда вилоят миқёсида бир қатор ютуқларга эришган, ўзининг молиявий барқарорлиги етарли даражада бўлган, бир неча йиллардан буён фермер хўжалиги йўналишида фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари жумладан:

- “_____” фермер хўжалиги;
- “_____” фермер хўжалиги;
- “_____” фермер хўжалиги;
- “_____” фермер хўжалиги

рахбарлари ўзининг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда, бугунги кундаги туман ва туман атрофидаги ички бозорларини ўрганиб, хом ашё базасини аниқлаб, аҳолининг ички талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолини иш билан таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга кенг шароитлар яратиб берилишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда туманда бугунги кунда мавжуд бўлмаган янги йўналиш сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш мақсадида кооператив шаклида бирлашган ҳолда марказлашган сутни қайта ишлаб чиқариш кооперативини ташкил этиб, туман ва қўшни шаҳар ва туманлардаги бозорларга ўз маҳсулотларини сифатли етказиб бериш, вилоятдаги бозорларда ўз маҳсулоти билан ўз ўрнига эга бўлишни режалаштирганлар.

Кооператив мазкур лойиҳани амалга ошириши давомида бугунги кунда Республикамизда тадбиркорлик соҳасидаги имкониятлардан

фойдаланиб, вилоятнинг иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади яъни:

1. Республика ҳудудига замонавий хорижий ишлаб чиқариш технологиясини олиб келади;

2 Ишсизлик сонини камайишига амалий ёрдам беради.

3. Давлатга солиқ тўлаши натижасида бюджет режасини бажарилишида ўз ҳиссасини қўшади.

4. туманида мавжуд бўлмаган биринчи мартаба йўлга қўйиладиган ишлаб чиқариш турини ташкил этади.

5. Вилоят тижорат банкларида белгиланган нақд пул тушуми режасини бажарилишида амалий ёрдам беради.

6. Кооператив юқоридаги вазифаларни бажариши натижасида даромад олиши билан бирга ушбу йўналишни кенгайтиради.

Бозор ҳолати таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, кооператив томонидан амалга оширилиши режалаштирилган мазкур лойиха аҳолининг, жумладан туман ва туман атрофида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг талабларига мос келади.

Кооператив айтиб ўтилганидек, тумани Қ.Ф.Й _____ маҳалласида жойлашган бўлиб, лойиха амалга ошириладиган жой туман аҳоли зич жойлашган “Шерхон” фермер хўжалигининг тасарруфида бўлган собик мева-сабзавотларни сақлаш базаси биносида амалга оширилади.

Лойиха амалга ошириладиган жойнинг умумий майдони 2 599.86 м² ни ташкил этиб, шундан 911,24 м² ни бино қисмини ташкил этади. Бундан ташқари лойиха амалга оширилиши кўзда тутилган бинода сув, газ, электр энергия, канализация ҳамда телефон тармоқлари мавжуд.

Мавжуд ушбу шароит эса, лойиханинг кўзланган даражада амалга оширилишига имкон яратувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари маркетинг ўрганишлар натижаларига кўра, лойиха амалга оширилиши режалаштириладиган жойга яқин масофаларда бундай ишлаб чиқариш турлари ҳозирги кунда ташкил этилмаган. Бу эса, мижозларнинг кўплиги ва аҳолининг сут маҳсулотларига бўлган талабини юқорилигидан далолат беради.

ЛОЙИҲАГА АСОСАН КЕРАКЛИ МАБЛАҒЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кооператив бизнес лойихасининг умумий қиймати 75 000 000 (Етмиш беш миллион) сўмни ташкил этиб, шундан кооператив тузувчилар умумий майдони бўлган 911,24 м² ни ташкил этган бинони ўзларининг улушлари сифатида мулк шаклида ажратишни ҳамда 10 000 000 (Ўн миллион) сўм таъмирлаш ишларига сарфлашни режалаштирилган. Сутни қайта ишлаб чиқариш технологияси эса

лойихани амалга ошириш учун танловга қўйилган грант хисобидан олиб келинади

Кооператив ўз лойихасини 3 йиллиги бўйича хисоб китоб ишларини батафсил кўрсатиб ўтишга қарор қилди. Шунга кўра, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан амалга оширилаётган, "Фарғона водисида турмуш даражасини ошириш" лойихасининг "Даромадларни шакллантириш" компоненти фаолияти доирасида мақсадли маҳаллалардан илғор бизнес ғояларни танлаб олиш танловига ажратилган 15 000 \$ (Марказий банкнинг миллий валютадаги курси бўйича 23 021 100 сум) маблағи эвазига кооператив куйидаги **кичик сут ни қайта ишлаш ускунасини** яъни бугунги кунда туман ва туман атрофида мавжуд бўлмаган сутни қайта ишлаб чиқариш технологиясини олиб келишни режалаштирган.

Мини молочный завод



Многофункциональная линия по производству молочных продуктов. Функции приема, пастеризации и ферментации выполняются одним агрегатом - порционным пастеризатором-ферментатором (емкость вместимостью от 200 до 600 л). Агрегат обеспечивает завершённый цикл переработки молока.

Ёмкость подключается к насосам, сепаратору и упаковочным агрегатам. Процесс пастеризации регулируется и контролируется при помощи пульта управления.

Сырьё: цельное молоко, производительность: 500-1000 л/смена, готовая продукция: пастеризованное молоко, кефир, сливки. Производственная площадь: 75-100 кв.м.

Персонал: 2-3 чел./смена

Состав оборудования:

- Насос приема и циркуляции молока.
- Порционный пастеризатор-ферментатор.
- Сепаратор. Полуавтоматический агрегат розлива в стаканчики, модель М-7.
- Полуавтоматический агрегат розлива в полиэтиленовые пакеты.

Производительность: 500-600 л молока в смену.

Производственная площадь: 75-100 кв.м.

Персонал: 2-3 чел./смена.

1-иловадаги жадвалда лойиха маблағларининг манбалари ва уларнинг йўналишлари кўрсатиб ўтилади.

Лойихани амалга ошириш учун талаб этиладиган айланма маблағлар эса, кооперативнинг ўз ички маблағлари хисобидан қопланади.

Барча қурилиш ва умумий ташкиллаш ишлари тайёрлаш режага кўра 2 ой давомида амалга оширилади ҳамда шундан сўнг лойиха бўйича ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишга киришилади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАСИ

Юқорида айтиб ўтилганидек, кооператив туман миқёсида йўлга қўйилмаган янги йўналиш сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш фаолиятини олиб боради.

Кооператив қайта ишлаш учун керак бўлган сутни тумандаги фермер хўжаликларидан ҳамда маҳаллий аҳолидан йиллик шартнома асосида пул ўтказиш ҳамда нақд пул тўлаш йўли билан сотиб олишни режалаштирган.

Кооператив томонидан олиб келиниши режалаштириладиган сутни қайта ишловчи технология қолган рақобатдош корхона ва фермер хўжаликларининг технологияларидан асосий қулай тарафлари шундаки, биринчидан, олиб келинадиган технологияда электр энергия тежаласи, иккинчидан бир линияда бир вақтнинг ўзида бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқариш имкони мавжуд, учинчидан эса технология янги ва замонавий бўлганлиги сабабли маҳсулот сифати ҳам юқори даражада бўлади.

Кооператив ўзининг ушбу лойиҳасини ишга тушириши орқали жами 15 нафар маҳаллий қишлоқ аҳолиси хисобланган ёшларни иш билан таъминлайди.

Кооператив 15 нафар ишчилар билан меҳнат шартномасини Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексига асосланган ҳолда тузади.

Кооператив жамоа корхонаси яъни тижорат шаклида, хўжалик хисобида бўлганлиги бўлганлиги сабабли, ишчилар билан келишган ҳолда бир ойлик иш кунини 28 кун этиб белгилайди. Бунга кўра, ишчиларнинг бир ойлик маоши 180 000 сўм этиб белгиланиши режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда замонавий технологиялар асосида юқори малакага эга бўлган ишчи ходимлар камлиги ҳамда кооператив ўз ишчиларини ўз меҳнатларига фидокорона ёндошишларини инобатга олган ҳолда, кооператив томонидан ҳар бир ишчига ҳар ойда кооператив томонидан энг кам иш ҳақининг ярим баравари миқдоридан мукофот пули ажратилиши белгиланган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида энг кам иш ҳақи 37 680 сўм этиб белгиланган.

2-иловадаги жадвалда кооперативнинг ишчилар сони ва вазифалари кўрсатиб ўтилади.

Куйида кооператив томонидан қайта ишланадиган сут маҳсулотларининг ҳажмлари батафсил кўрсатиб ўтилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, кооператив бир вақтнинг ўзида 3 хил сут махсулотларини ишлаб чиқаришни режалаштирган бўлиб жумладан:

- Қатик (Кефир)махсулотлари;
- Сут махсулотлари;
- Қаймоқ (сливки)махсулотлари;

Кооператив томонидан амалга оширилаётган лойиха самарали бўлишига бир нарса муҳим аҳамият касб этиши лойихани тўлик бажарилишига имконият яратади. Кооперативни ташкил этаётган фермер хўжаликларининг икки нафари чорвачилик қолган икки нафари эса, дехқончилик йўналишларида фаолият олиб бораётган фермер хўжаликларидан бўлганлиги лойихани кўзланган даражада амалга ошишида муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ

Бугунги кунда республикамизда хусусий тадбиркорлик кенг ривожланган бўлиб, турли хил йўналишларда ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд.

Маълумки, ҳар бир тадбиркор ўз фаолиятини бошлашдан аввал бозор ҳолатини ўрганиб чиқади.

Лойихани амалга ошириш жараёнида мавжуд рақобатчиларни ўрганиш, уларнинг устунлик ва камчиликлари, бозордаги ҳолатларини, ҳаракатларини, мижозлар билан муомласини, реклама фаолиятини, умуман олганда умумий ишлаб чиқариш жараёнини ўрганиб, таҳлил қилиб, ана шу натижаларга асосан иш юритиш жуда муҳимдир. Чунки, ҳозирги бозор муносабатлари шаклланиб, ривожланиб бораётган бир пайтда, рақобатчиларга нисбатан эътиборсиз ҳаракат қилиш салбий натижаларни келтириб чиқариши, ҳусусан мижозлар сонининг камайиб кетишига олиб келиши мумкин.

Шу боисдан мазкур лойихани амалга оширишда рақобатчилар фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиб боришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўрганиган бозор ҳолатига кўра, туманда чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатаётган бир қатор фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар томонидан етиштирилаётган сутларни қўшни туман ва шаҳар шунингдек Андижон вилоятида сутни қайта ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи хусусий корхоналар олиб кетаётганлиги аниқланди.

Агар кооператив томонидан амалга оширилаётган лойиха амалда бажарилса, туманда етиштирилаётган сут туманининг ўзида қолиб қайта ишлаб чиқаришга эришилади.

Кооператив сутни тумандаги маҳаллий аҳолидан ҳамда сут етиштирувчи фермер хўжаликлари билан йиллик шартнома асосида пул ўтказиш ҳамда нақд пул асосида сотиб олишни режалаштирган. Кооператив хоми ашёни тумандан сотиб олаётганлиги қолган рақобатдош корхоналарнинг махсулот нархидан бир мунча арзон бўлишини таъминлайди. Бу эса ўз ўзидан бозордаги устунликка эришишга олиб келувчи омиллардан бир ҳисобланади.

Кооператив юқорида айтиб ўтилганидек, ўзининг доимий мижозлари бўлганлиги, кооператив томонидан кўрсатилган хизматлар учун мижозлар ҳоҳлаган усулда тўловларни амалга оширишлари мумкинлиги сабабли бошқа кооперативлардан устун туради.

Бундан ташқари кооператив томонидан бугунги кундаги бозор ҳолатини ўрганиши натижасида шу нарса аниқ бўлдики, янги ташкил этилаётган кооперативлар тез фурсатда ички бозорда ўз ўринларини эгаллаш мақсадида турли рекламаларга алоҳида эътибор қаратганлар.

Иқтисодиётнинг қайси йўналишида бўлишидан қатъий назар маҳсулот ва хизматларини ривожлантиришда реклама алоҳида ўрин эгаллайди. Кооператив ушбу харажатларни қоплаш мақсадида яна бир янги усулни ишлаб чиқди.

Бунга кўра кооператив томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулотнинг устки қисмига қолган маҳсулотларни ҳам рекламасини жойлаштиришни режалаштирган.

Кооператив ўз маҳсулотларини самарали ва сифатли ишлаб чиқарилишини ҳамда мижозлар билан ўз вақтида исоб китоб ишларини амалга ошириш, юзага келадиган рақобатдошликдаги устунликни ушлаб туриш ва кооператив фаолиятини кенгайтириш мақсадида кооператив мунтазам равишда қуйидаги ҳолатларни назоратига олишни режалаштирган жумалдан:

- ***Бозор ҳолатини мунтазам равишда ўрганиб туриш;***
- ***Хамкорларнинг иқтисодий ҳолатидан хабардор бўлиб туриш;***
- ***Реклама фаолиятини ривожлантириш ва бошқа ҳолатларни назоратдан четда қолдирмаслик муҳим аҳамият касб этади.***

Демак кооператив бир вақтнинг ўзида 3 хил сут маҳсулотларини ишлаб чиқарса, қуйида ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида кўрсатилган ҳолда тушумлар кўрсатиб ўтилади.

Кооператив томонидан олиб келинаётган технологиянинг ишлаб чиқариш қуввати бир сменада 600 литр сут маҳсулотини 3 хил йўналишда қайта ишлаб чиқариш имконига эгадир.

ҚАЙМОҚ (сливки) маҳсулоти- ушбу йўналиш бўйича бир қатор фермер хўжалигидаги юқори малакага эга бўлган мутахасислар ҳамда белгиланган давлат статистик маълумотида асосланган ҳолда ишлаб чиқарилганда 100 литр сутнинг 6% ёғлиқ даражаси ҳисобланади. Агар кооператив 100 литр сутни қайта ишлаб чиқарса, ўрча миқдорда жами 6 литр қаймоқ маҳсулотини олишга эришади. Кооператив ўз маҳсулотини сифатли ҳамда харидоргир бўлиши, қолган рақобатдош корхоналардан устунликка эриши мақсадида 100 литр сутдан 5 литр қаймоқ маҳсулотини олишни режалаштирган.

Агар, кооператив технологиянинг ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ ҳолатда фойдаланса, бир кунда ўрта миқдорда жами 40 кг қаймоқ маҳсулотини олишга эришади.

Демак, кооператив бир кунда жами 40 кг қаймоқ маҳсулотини олса, бир ойда 1120 литр, бир йилда эса, 13440 кг қаймоқ маҳсулотини олишга эришади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, кооператив ишлаб чиқарган маҳсулотларни тумандаги болалар боғчаларига, ташкилот ва хусусий корхоналарга ҳамда маҳаллий аҳолига нақд пул, пластик карточкаларга ҳамда пул ўтказиш йўли билан сотишни режалаштирган.

Барчага маълумки, ҳар бир маҳсулотнинг таннархи унинг харажатларига бевосита боғлиқ бўлади.

Бугунги кундаги бозор ҳолати бўйича 1 литр қаймоқ маҳсулоти 5500 сўмни ташкил этади. Кооператив сутни маҳаллий аҳолидан сотиб

олаётганлиги, кооперативни ташкил этаётган фермер хўжаликларининг 2 нафари чорвачилик йўналишида фаолият олиб бораётганлиги сабабли, ишлаб чиқараётган махсулотлари қолган рақобатдош корхоналарнинг махсулотидан арзонроқ бўлади. Бу эса рақобатдошликдаги устунликка эришишнинг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунга кўра, кооператив 1 литр сутни улгуржи нархда 500 сўмдан сотиб олишни режалаштирган.

Агар кооператив технологиянинг ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ холда фойдаланса, бир кунда жами 600 литр ёки 300 000 сўмлик, бир ойда 8 400 000 сўмлик, бир йилда эса, 100 800 000 сўмлик сут сотиб олишига тўғри келади.

$$600 \text{ литр сут} \times 500 \text{ сўм} = 300\,000 \text{ сўм}$$

$$300\,000 \text{ сўм} \times 28 \text{ кун} = 8\,400\,000 \text{ сўм}$$

$$8\,400\,000 \text{ сўм} \times 12 \text{ ой} = 100\,800\,000 \text{ сўм}$$

Демак кооператив бир кунда 40 кг қаймоқ махсулотини ишлаб чиқариб, хар 1 литрини 5000 сўмдан сотганда, бир кунда 200 000 сўмлик, бир ойда 5 600 000 сўмлик, бир йилда эса, 67 200 000 сўмлик сотишга эришади.

$$40 \text{ кг қаймоқ} \times 5000 \text{ сўм} = 200\,000 \text{ сўм}$$

$$200\,000 \text{ сўм} \times 28 \text{ кун} = 5\,600\,000 \text{ сўм}$$

$$5\,600\,000 \text{ сўм} \times 12 \text{ ой} = 67\,200\,000 \text{ сўм}$$

Юқорида кооператив томонидан ишлаб чиқарилиши ржалаштирилаётган йўналишлардан бири қаймоқ махсулотининг кунлик, ойлик ҳамда йиллик тушумлари кўрсатиб ўтилган бўлса, қуйида қатик махсулотининг кунлик, ойлик ҳамда йиллик тушумлари кўрсатиб ўтилади.

ҚАТИҚ (Кефир) махсулоти- ушбу йўналишда ишлаб чиқарилаётган махсулот асосан захарли дорилар билан фаолият олиб борувчи корхоналарга ҳамда маҳаллий аҳолига сотилиши режалаштирганлиги сабабли, кооператив бир кунлик сутни 50 фоизини қатик махсулоти ҳолатида ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Ўрганилган тажрибага асосан 100 литр сутдан 95 литр қатик махсулоти ишлаб чиқарилганда 50 литр сутдан 47,5 литр қатик махсулотини олиш мумкин.

Бугунги кунда аҳоли 1 литр қатик махсулотини 800 сўмдан сотиб олинмоқда. Кооператив 1 литр қатик махсулотини ўртача 600 сўмдан сотишни режалаштирган. Бунга кўра, бир кунда 600 литр сут бўйича кооператив томонидан бир кунда 171 000 сўмлик бир ойда 4 788 000 сўмлик, бир йилда эса, 57 456 000 сўмлик махсулот сотишга эришади.

$$285 \text{ литр} \times 600 \text{ сўм} = 171\,000 \text{ сўм}$$

$$171\,000 \text{ сўм} \times 28 \text{ кун} = 4\,788\,000 \text{ сўм}$$

$$4\,788\,000 \times 12 \text{ ой} = 57\,456\,000 \text{ сўм.}$$

Юқорида кооператив томонидан ишлаб чиқарилиши ржалаштирилаётган йўналишлардан бири қатик махсулотининг кунлик, ойлик ҳамда йиллик тушумлари кўрсатиб ўтилган бўлса, қуйида сут махсулотининг кунлик, ойлик ҳамда йиллик тушумлари кўрсатиб ўтилади.

СУТ махсулоти- юқорида айтиб ўтилганидек, бир кунлик ишлатиладиган сутни 50 фоизини қатик махсулоти этиб ишлаб чиқарилиши режалаштирилган бўлиб, қолган 50 фоиз сутни қайта ишлаб, боғчаларга, корхона ва ташкилотларга ҳамда маҳаллий аҳолига сотишни режалаштирилган.

Демак, бир кунда жами 600 литр сут ишлатилса, шундан 300 литри сут маҳсулоти бўлиб ишлаб чиқарилади.

Бугунги кунда 1 литр сутнинг нархи бозор ҳолати бўйича 900 сўмни ташкил этади. Кооператив сут маҳсулотини қолган рақобатдош корхоналарга қараганда 200 сўм арзонроқ сотишни мақсад қилиб қўйган. Яъни, кооператив томонидан ишлаб чиқариладиган 1 литр сутнинг нархи 700 сўмни ташкил этади.

Агар кооператив бир кунда 300 литр сутни қайта ишлаб чиқарса, бир ойда 8 400 литр ёки 5 880 000 сўмлик, бир йилда эса 70 560 000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришади.

$300 \text{ литр} \times 700 \text{ сўм} = 210\,000 \text{ сўм}$

$210\,000 \text{ сўм} \times 28 \text{ кун} = 5\,880\,000 \text{ сўм}$

$5\,880\,000 \text{ сўм} \times 12 \text{ ой} = 70\,560\,000 \text{ сўм}$

Демак, кооператив барча йўналишларни тўлиқ ҳолатда амалга оширса, бир кунда 581 500 сўмлик, бир ойда 16 268 000 сўмлик, бир чоракда 48 804 000 сўмлик, бир йилда эса 195 216 000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб сотишга эришади.

3-иловадаги жадвалда кооператив томонидан кўрсатиладиган асосий хизмат турларини ойлик, чораклик ҳамда йиллик түшүми кўрсатиб ўтилади.

Умумий фаолиятни ташкил этиш ҳамда уни бевосита амалга ошириш жараёнида юқоридаги босқичларнинг қай даражада сифатли ва тўғри равишда амалга оширилиб борилиши бевосита фаолият натижаларига ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабдан, ушбу босқичларнинг амалга оширилиши кооператив раҳбари томонидан бошқарилиб, доимий равишда назорат қилиб борилади.

КООПЕРАТИВНИНГ ЙИЛЛИК ХАРАЖАТЛАРИ

Иқтисодий ривожланишнинг барча соҳаларида маълум даражада ҳаражатлар бўлгани каби кооперативнинг ривожланишда ҳам бир қатор ҳаражатлар юзага келади. Кооператив лойиҳани амалга оширишдан аввал бугунги кундаги бозор ҳолатини ўрганиб чиқишга қарор қилган. Бунга кўра кооператив ўз ҳаражатларини қисқартириши учун қуйидаги имкониятлардан фойдаланган яъни:

- *Сотиб олинаётган технологиялар янги ва замонавийлиги;*
- *Сут маҳсулотини маҳаллий аҳолидан сотиб олаётганлиги;*
- *Корхона бугунги кунда туманда биринчи мартаба йўлга қўйилаётган йўналишларда фаолият олиб бораётганлиги*

4-иловадаги жадвалда кооперативнинг умумий ҳаражатлари кўрсатиб ўтилган.

Демак, кооператив ўз лойиҳасига асосан 3 йил муддатда жами 536 844 000 сўм тушум хисобига мавжуд бўлган умумий ҳаражатларга 422 937 702 сўм тўлаш билан бирга 113 906 298 сўм миқдорда соф даромад олади. Шу билан

бирга кооператив ўзининг фаолиятини кенгайтириш мақсадида янги замонавий бир неча хил турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчи технологиялар олиб келишга ҳамда туманда янги ишчи ўринларини яратишга имконият туғилади.

1-илова

(сўмда)

№	Маҳсулот ёки хизматлар номи	Сони	Умумий қиймати	Давлат номи	Грант хисобидан	Ўз маблагидан	Жами
1	Сутни қайта ишлаб чиқариш технологияси	1	23 021 100	Украина	23 021 100	X	23 021 100
2	Бино иншоотни қайта таъмирлаш учун	-	6 000 000	Ўзбекистон	X	6 000 000	6 000 000
3	Комуникацияни йўлга қўйиш учун	-	2 000 000	Ўзбекистон	X	2 000 000	2 000 000
4	Транспорт харажатлари	-	1 000 000	Ўзбекистон	X	1 000 000	1 000 000
5	Бошқа харажатлар	-	1 000 000	Ўзбекистон	X	1 000 000	1 000 000
	Жами		33 021 100		23 021 100	10 000 000	33 021 100

2-илова

(сўмда)

№	Ишчилар лавозими	Сони	Ойлик иш хаки	Мукофот пули	Жами бир ойлик иш хаки
1	Рахбар	1	300 000	18 840	318 840
2	Хисобчи	1	250 000	18 840	268 840
3	Иқтисодчи	1	220 000	18 840	238 840
4	Ишчилар	8	180 000	18 840	1 590 720
5	Фаррош	2	120 000	18 840	138 840
6	Қоравул	2	120 000	18 840	138 840
	Жами	15			2 694 920

КООПЕРАТИВНИНГ ОЙЛИК, ЧОРАКЛИК ХАМДА ЙИЛЛИК ТУШУМЛАР КУРСАТКИЧИ

3-илова

(сўмда)

№	Хизматлар номи	Ойлик	Чорақлик	Йиллик
1	Сут	5 880 000	16 740 000	70 560 000
2	Қатик	4 788 000	14 364 000	57 456 000
3	Қаймоқ	5 600 000	16 800 000	67 200 000
	Жами	16 268 000	48 804 000	195 216 000

КООПЕРАТИВНИНГ 2020 ЙИЛ ХАРАЖАТЛАР КУРСАТКИЧИ

4-илова

(сўмда)

№	Курсаткичлар	II-чорақ	III-чорақ	IV-чорақ	Жами 2010 йил
1	Тушум	48 804 000	48 804 000	48 804 000	146 412 000
2	Солик	3 416 322	3 416 322	3 416 322	10 248 966
3	Иш хаки	8 084 760	8 084 760	8 084 760	24 254 280
4	Хом ашё	25 200 000	25 200 000	25 200 000	75 600 000
5	Мукофот пули	847 800	847 800	847 800	2 543 400
6	Коммунал туловлар	600 000	600 000	600 000	1 800 000
7	Бошка харажатлар	300 000	300 000	300 000	900 000
	Соф фойда	10 355 118	10 355 118	10 355 118	31 065 354

КООПЕРАТИВНИНГ 2020 ЙИЛ ХАРАЖАТЛАР КУРСАТКИЧИ

№	Курсаткичлар	I чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак	Жами 2011 йил
1	Тушум	48 804 000	48 804 000	48 804 000	48 804 000	195 216 000
2	Солик	3 416 322	3 416 322	3 416 322	3 416 322	13 665 120
3	Иш хаки	8 084 760	8 084 760	8 084 760	8 084 760	32 339 040
4	Хом ашё	25 200 000	25 200 000	25 200 000	25 200 000	100 800 000
5	Мукофот пули	847 800	847 800	847 800	847 800	3 391 200
6	Коммунал туловлар	600 000	600 000	600 000	600 000	2 400 000
7	Бошка харажатлар	300 000	300 000	300 000	300 000	1 200 000
	Соф фойда	10 355 118	10 355 118	10 355 118	10 355 118	41 420 472

КООПЕРАТИВНИНГ 2020 ЙИЛ ХАРАЖАТЛАР КУРСАТКИЧИ

№	Курсаткичлар	I чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак	Жами 2012 йил
1	Тушум	48 804 000	48 804 000	48 804 000	48 804 000	195 216 000
2	Солик	3 416 322	3 416 322	3 416 322	3 416 322	13 665 120
3	Иш хаки	8 084 760	8 084 760	8 084 760	8 084 760	32 339 040
4	Хом ашё	25 200 000	25 200 000	25 200 000	25 200 000	100 800 000
5	Мукофот пули	847 800	847 800	847 800	847 800	3 391 200
6	Коммунал туловлар	600 000	600 000	600 000	600 000	2 400 000
7	Бошка харажатлар	300 000	300 000	300 000	300 000	1 200 000
	Соф фойда	10 355 118	10 355 118	10 355 118	10 355 118	41 420 472

